

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ PhD.05/27.02.2020.Qx.42.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖАНУБИЙ ДЕХҚОНЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

КАЮМОВ НОРБОЙ ШАКИРЖОНОВИЧ

**ЛАЛМИКОР МАЙДОНЛАР УЧУН НЎХАТ (*CICER ARIETINUM*) НИНГ
ОҚСИЛГА БОЙ, ИССИҚЛИК, ҚУРҒОҚЧИЛИККА БАРДОШЛИ,
ҲОСИЛДОР БОШЛАНҒИЧ АШЁ ҲАМДА НАВЛАРНИ ЯРАТИШ**

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
agricultural sciences**

Каюмов Норбой Шакиржонович

Лалмикор майдонлар учун нўхат (*Cicer arietinum*) нинг оксилга бой,
иссиқлик, қурғоқчиликка бардошли, ҳосилдор бошланғич ашё ҳамда
навлар яратиш..... 5

Каюмов Норбой Шакиржонович

Создание богатого белком, толерантного к жаре и засухе,
высокоурожайного исходного материала и сортов нута (*Cicer arietinum*)
для богарных земель..... 21

Kayumov Norboy Shakirjonovich

Creation of protein rich, heat and drought tolerant, high yielding starting material
and varieties of chickpea (*Cicer arietinum*) for rainfed lands..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ PhD.05/27.02.2020.Qx.42.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖАНУБИЙ ДЕХҚОНЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

КАЮМОВ НОРБОЙ ШАКИРЖОНОВИЧ

**ЛАЛМИКОР МАЙДОНЛАР УЧУН НЎХАТ (*CICER ARIETINUM*) НИНГ
ОҚСИЛГА БОЙ, ИССИҚЛИК, ҚУРҒОҚЧИЛИККА БАРДОШЛИ,
ҲОСИЛДОР БОШЛАНҒИЧ АШЁ ҲАМДА НАВЛАРНИ ЯРАТИШ**

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.4. PhD/Qx617 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.psueaiti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Дилмуродов Шерзод Дилмуродович**
қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар: **Рашидова Дилбар Каримовна**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Хайдаров Бекмурод Дўсиёрович
қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот: **Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги PhD.05/27.02.2020.Qx.42.02 рақамли. Илмий кенгашнинг 2023 йил «__» _____, соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111218, Тошкент Унверситет кўчаси 1-уй, Тел.: (+99871) 150-62-78; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: paxtauz@mfil.ru Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Бош биноси, 3-қават. Анжуманлар зали).

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг кутубхонасида танишиш мумкин (№ _____ - рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111218, Тошкент, Унверситет кўчаси, 1-уй, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари институти кутубхонаси. Тел.: (+99897) 746-47-60

Диссертация автореферати 2023 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2023 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

А.Э.Равшанов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, қ.х.ф.д., проф.

М.Б.Халикова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, қ.х.ф.д.,
проф.

А.Б.Амантурдиев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, қ.х.ф.д., к.и.х.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Бугунги кунда дунёда аҳоли сонининг кескин ўсиб бориши натижасида озиқ-овқат ва оқсил моддасига бой бўлган маҳсулотларга талаб тобора ошиб бормоқда. Ҳозирда инсонларнинг истеъмол қилаётган оқсил миқдорининг 70 фоизи ўсимлик маҳсулотларидан олинаётган оқсил ҳисобига тўғри келади. «Сўнгги йилларда жаҳонда энг кўп нўхат экини экиладиган давлатлардан Ҳиндистон дунё бўйича етиштирилаётган нўхат ҳосилнинг 60% ни ишлаб чиқаради (ҳосил миқдори 9,94 млн.т.), шунингдек, энг кўп нўхат етиштирувчиларга давлатлардан Туркия (6,3 минг.т.), Россия Федерацияси (5,1 минг.т.), Мянма (4,9 минг.т.), Покистон (4,5 минг.т.), Эфиопия (4,2 минг.т.), АҚШ ва Австралия (2,1 минг.т.) каби давлатлар киради»¹. «Ҳозирда дунё бўйича 7,3 миллиард аҳоли учун 202 млн.т оқсил талаби мавжуд. Бироқ аҳоли сонини йилига 2,3 миллиарддан ортиқ ўсиши, аҳолининг оқсил миқдorigа бўлган талабини қондира олмайди. Ҳар бир инсонга 103 мг кунлик оқсил истеъмоли тўғри келади»². Бу эса сўнгги 10 йил ичида аҳолининг кескин ортиши эвазига оқсил тақчиллигига юзага келиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, иқлим шароитига бардошли, ҳосилдор, оқсил миқдори юқори бўлган нўхат навларини яратиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Дунёда сўнгги йилларда иқлимнинг кескин ўзгариб бориши натижасида ўрганилаётган нўхат экинининг ривожланиш босқичида ҳароратнинг юқори даражада кўтарилиши, совуқ тушиши, касаллик ва зараркунандалар билан зарарланиши туфайли дон сифат кўрсаткичига салбий таъсирини кўрсатиб, ҳосилдорликнинг кескин пасайишига сабаб бўлмоқда. Ушбу ҳолатларни олдини олишда дунёнинг етакчи селекционер олимларнинг олдидаги вазифалардан бири эртапишар, биотик ва абиотик омилларга бардошли, рақобатбардош нўхатнинг нав ва тизмаларидан фойдаланган ҳолда амалий селекция учун бошланғич ашёларни яратиш ҳамда улар асосида янги навларни яратишдир.

Республиканинг лалмикор майдонларига экиб келинаётган оқсилга бой бўлган нўхат экинининг ҳосилдорлик кўрсаткичи аҳоли эҳтиёжини қониқтирмаётганлиги маълум, шу сабабли лалмикор майдонларга мослашган юқори авлод берадиган нўхат навларни экиш, уруғчилигини ташкил қилиш, хорижий ва маҳаллий нав ва тизмалар асосида дурагайлаш ишларини амалга ошириш, танлаш ва кенг майдонларга жорий этишни амалга ошириш бўйича илмий-тадқиқот ишларни амалга ошириш бугунги кунда долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги ва «Уруғчилик тўғрисида»ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сон «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3281-сон «2018 йилда қишлоқ

¹ <https://www.atlasbig.com/en-us/countries-chickpea-production>

² <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pmc/articles/PMC5532560/pdf/foods-06-00053.pdf>

хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш чора-тадбирлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида» ги Қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё селекционер олимлари томонидан нўхатнинг қурғоқчиликка бардошли навлари бўйича илмий изланишлар олиб борган чет эл олимларидан A.E. Halland, D.A Grantz, P.N. Patel, S.A. Sabaghpour, E. Sadeghi and R.S Malhotra сингари олимлар ижобий натижага эришганлар. Нўхат экинини дурагайлаш йўли билан янги навларни яратилишида M Jain, G Misra, R.K Patel, P Priya, S Janvar, A.W Khan, N Shah, V.K Singh, A.Tulle, van H.A. Rheenen, P.P. Arora, A.S.Jeena, S.Kumar, Y.Anbessa, T.Warkentin, B.Taran, T.D. Warkentin, A.Tullu, A.Vandenberg сингари олимлар ўз ҳиссаларини қўшган, Ўзбекистон олимлари томонидан нўхат экин тури бўйича жанубий минтақаларда лалмикор майдонлар учун дурагайлаш ишлари амалга оширилмаган.

Республикаимизнинг нўхат селекцияси бўйича А.А.Умурзақов, Ж.Т.Нахалбаев, К.Т.Исақов, М.Х.Қамбарова, Б.Мовлонов, И.Х.Хамдамов, П.Шукуруллаев томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Бироқ, дон сифати кўрсаткичи юқори навлар яратиш, ҳамда дон сифатини белгиловчи белги хусусиятларининг дурагай авлодларида ирсийланиши бўйича етарли илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институти илмий тадқиқотлар режалари билан боғлиқ бўлиб, № ҚХ-А-ҚХ-2018-87 “Республиканинг лалмикор ерларида нўхатнинг халқ селекцияси асосида яратилган навлари ҳамда хориждан келтирилган тизма ва дурагайларнинг қимматли хўжалик белгиларини ўрганиш ҳамда улар асосида бошланғич манбалар яратиш” (2018-2020 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади лалмикор майдонларда нўхатнинг Марказий Осиё ва жаҳон коллекцияси тизмаларидан фойдаланган ҳолда иссиқлик ва қурғоқчиликка бардошли, оқсил миқдори юқори, ҳосилдор, эртапишар бўлган нўхат навини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

юқори ҳосилдорлик ва дон сифат кўрсаткичлари бўйича маҳаллий ва хорижий иқлим шароитда яратилган нўхат нав ва тизмалардан бошланғич манба сифатида фойдаланиш ҳамда оддий дурагайлашда F₁-F₂ авлодларининг хўжалик учун қимматли белгилари бўйича ирсийланиш ва ўзгарувчанлик қонуниятларини аниқлаш;

қимматли хўжалик белгиларидан нўхатнинг иссиқлик, қурғоқчиликка, оксил миқдори кўрсаткичи бўйича лаборатория шароитида таҳлиллар олиб бориш;

нўхат баргидаги хлорофилл ва яшиллик миқдорини баҳолаш, қимматли хўжалик белгиларининг ўзаро корреляцион боғлиқликларини аниқлаш;

келиб чиқиши бир-бирига яқин бўлган қимматли хўжалик белгилари бўйича нўхатнинг нав ва тизмаларида кластер таҳлилини ўтказиш;

ирсийланиши юқори бўлган, генетик жиҳатдан бойитилган селекцион ашёларни амалий селекцияга тавсия этиш ҳамда ташқи муҳитнинг ноқулай шароитларига бардошли, доннинг технологик сифати кўрсаткичлари юқори бўлган, ҳосилдор нўхат навини яратиш ва Давлат нав синовига топширишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида маҳаллий ҳамда халқаро ICARDA марказларидан келтирилган нўхатнинг (*Cicer arietinum*) 208 та нав ва тизмалари ва андоза “Обод” навидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида F_1 - F_2 дурагайларда юқори авлод белгиларнинг ирсийланиш коэффиценти, иссиқлик, қурғоқчилик, ҳосилдорлик, оксил миқдори кўрсаткичлари юқори бўлган тизмаларни танлаб Давлат нав синаш марказига топшириш ҳамда айрим белгилар ўртасида корреляцион боғлиқликларини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала тажрибаларини ўтказиш, фенологик кузатув, ҳосилни йиғиштириш, ҳисоблаш, лаборатория таҳлиллари “Бутуниттифоқ Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти услуги” (1984) номли услубий қўлланма, Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш марказининг услуги бўйича, донининг сифат кўрсаткичлари «Методические рекомендации по оценке качества зерна» услуги бўйича, маълумотларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel ва GenStat13 дастури ёрдамида амалга оширилди, нўхатни дурагайлашда Калве ва Тадеге (2017) усули орқали ўсимликка оталик чангчиларини юқтиришда химояланган ҳолатда чанглатиш услуги, лабораторияда ўсимликнинг қурғоқчиликка ва иссиқликка бардошлилигини аниқлаш Н.Н.Кожушко (1987) ва П.А.Генкель (1950) услуги бўйича ҳамда статистик таҳлиллар Б.А.Доспехов (1985) илмий ишларида келтирилган услублар асосида амалга оширилди, дала тажрибалари схемаси Genstat 3 дастурининг Complete blok design ва Alpha lattice design асосида тузилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

илк бор республикамизнинг жанубий минтақаларида ҳосилдорлик ва дон сифати кўрсаткичлари бўйича 6 та нав, 5 та тизма дурагайлаш ишларида бошланғич манба сифатида фойдаланилган ва F_1 - F_2 дурагай авлодларда 1000 дона дон вазни, бир туп ўсимликдаги дуккаклар сонининг наслдан-наслга берилиши ҳамда генотипик таъсири ташқи муҳит таъсирига нисбатан юқори бўлганлиги исботланган;

иссиқликка ва қурғоқчиликка бардошли, оксил миқдори юқори бўлган KR-20-LCAYT-RF-1, KR-20-LCAYT-RF-11, KR-20-LCAYT-RF-7, KR-20-LCAYT-RF-3, KR-20-LCAYT-RF-14, KR-20-LCAYT-RF-15 (Лалмикор) нав ва

тизмалари андоза “Обод” навга нисбатан 15 фоизли сахароза эритмасида ундирилган уруғ ўртача 85-97 фоизгача, юқори ҳароратда оксилнинг коагуляцияланиши $+60,9+63,7^{\circ}\text{C}$ гача, оксил миқдори кўрсаткичи 24,7-27,0 фоизгача юқори бўлганлиги аниқланган;

ўсимликнинг шохланиш ва дуккак ҳосил қилиш босқичларида Green Seeker ускунаси ёрдамида аниқланган яшиллик миқдори кўрсаткичи билан оксил миқдори ва ҳосилдорлик ўртасида кучли ижобий, дуккак ва шохланиш ҳосил қилиш кўрсаткичи билан хлорофилл ўртасида ўртача ва кучли ижобий корреляцион боғлиқлик борлиги исботланган;

келиб чиқиши ва хўжалик белгилари бўйича бир-бирига яқин бўлган нўхатнинг нав ва тизмаларини кластер бўйича ажратиш иккита гуруҳга, биринчи гуруҳда 11 та, иккинчи гуруҳда 9 та нав ва тизмалар ўсимликнинг белги кўрсаткичлари бўйича бир биридан фарқланганлиги аниқланган;

F₂ дурагайларида 1000 дон доннинг вазни ва бир туп ўсимликдаги дуккаклар сони кўрсаткичлари юқори бўлган 6 та комбинациялар ажратиб олинган ва амалий селекция ишларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

лаборатория шароитида андоза “Обод” нави нисбатан иссиқлик ва қурғоқчиликка бардошли бўлган нўхатнинг 6 та нав ва тизмалари танлаб олинган;

нўхатнинг иссиқлик ва қурғоқчиликка, касаллик ва зараркунандаларга бардошли, оксил миқдори юқори, эртапишар бўлган бошланғич ашёлар танланиб оддий дурагайлаш йўли билан 12 та дурагай авлод яратилган бўлиб, аксарият қимматли хўжалик белгилари бўйича ирсийланиш устунлигини намоён этган ҳамда амалий селекцияда фойдаланиш учун бошланғич ашё сифатида тавсия қилинган;

лалмикор майдонлар учун биотик ва абиотик омилларга бардошли, ҳосил элементлари ва дон сони, сифат кўрсаткичлари юқори бўлган нўхат (*Cicer arietinum*) нинг “Лалмикор” нави яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги дала тажрибаларининг ҳар йили Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази томонидан апробациялар ўтказилганлиги ва бирламчи ҳужжатларнинг мавжудлиги; назарий ва амалий натижаларининг бир-бирига мослиги; илмий тадқиқотлар натижаларининг республика, халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама этилганлиги ҳамда Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси рўйхатидаги илмий нашрларда чоп этилганлиги; олинган натижаларни замонавий компьютер технологиялардан фойдаланган ҳолда статистик таҳлилдан ўтказилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти рақобатли нав синаш кўчатзоридан олинган нав ва тизмалар лаборатория шароитида иссиқлик ва қурғоқчиликка бардошли, оксил миқдори юқори бўлган нўхат нав ва тизмаларни танлаб олиш ҳамда бошланғич ашё сифатида дурагайлаш ишларида фойдаланиш билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти оддий дурайлаш йўли билан олинган ҳосилдорлик ва дон сифати кўрсаткичлари юқори бўлган Обод х Полвон, Лалмикор х KR-20-LCAҒT-RF-7, Обод х Малхотра, Лалмикор х Обод, KR-20-LCAҒT-RF-14 х Лалмикор комбинациялар танлаб олиниб, амалий селекция жараёнида фойдаланиш учун бошланғич ашё сифатида тавсия этилди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Лалмикор майдонлар учун нўхат (*Cicer arietinum*) нинг оқсилга бой иссиқлик, қурғоқчиликка бардошли, ҳосилдор бошланғич ашё ҳамда навларни яратиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

нўхатнинг Лалмикор нави 2022-йилда Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институтидаги Қамаш тажриба дала майдонида 13,3 га ерга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 11-ноябрдаги №07/23-04/8337-сон маълумотномаси). Натижада, ҳосилдорлик кўрсаткичи 6,7 ц/га ташкил этди ва андоза Обод навга нисбатан 1,7-2,9 ц/га гача юқори ҳосил олишга эришилган ҳамда Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институтидаги Қамаш туманида жойлашган лалми дала майдонида бошланғич уруғчилигини кенгайтириш мақсадида 20 гектар майдонга экилган;

нўхатнинг Лалмикор нави 2022-йилда Қашқадарё вилояти Қамаш туманидаги “Низомхон” фермер хўжалигида 6,3 га, “Очил Худаяров” фермер хўжалигида 5,5 га, “Иброҳим Абдурахмонов” фермер хўжалигида 6,9 га, “Олтинбоев ери” фермер хўжалигида 7 га ва “Илхом Бойсариевич” фермер хўжалигида 4 га майдонга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 11-ноябрдаги № 07/23-04/8337-сон маълумотномаси). Натижада, ўртача 6,2-6,8 ц/га гача дон ҳосили олиниб, рентабеллик даражаси 30,9-43,6 фоизни ташкил этган;

янги яратилган нўхатнинг Лалмикор нави уруғчилик тизимини кенгайтириш мақсадида 2021-йилда Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институтидаги Қамаш тажриба дала майдонида 4 га лалми ерга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 11-ноябрдаги №07/23-04/8337-сон маълумотномаси). Натижада, ҳосилдорлик кўрсаткичи 13,6 ц/га бўлиб, танлаб олинган Лалмикор нави 2021-йилда Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш марказига топширилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала ва лаборатория шароитларида ўтказилган тажрибалар Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ва Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, ҳисоботлар институтнинг илмий ва услубий кенгашларида муҳокама қилинган. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича 4 та, жумладан 2 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, 2 та хорижий илмий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган илмий-тадқиқот ишларининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсади ва вазифалари шакллантирилган, объект ва предметлари таърифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот усуллари, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги баён этилган, изланишларнинг амалий натижалари очиб берилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган, нашр этилган ишлар, диссертация ҳажми ва таркиби баён этилган.

Диссертациянинг **«Нўхат ҳосилдорлиги ҳамда дон сифат кўрсаткичларининг турли иқлим шароитларига боғлиқлиги»** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси юзасидан республикамиз ва хорижий давлатлар олимларининг нўхат (*Cicer arietinum*) турига мансуб бўлган селекция соҳасида бажарилган илмий ишлар, нўхат экини морфологияси, селекцияси ва халқ хўжалигидаги аҳамияти, миқдорий белгиларининг ирсийланиши, комбинацион қобиляти, ҳосилдорликни оширишда навнинг аҳамияти, нўхат селекциясида бошланғич манбанинг роли, нўхатнинг иссиқлик ва қурғоқчилик омили остида дон сифати ва ҳосилдорлик кўрсаткичига салбий таъсири, нўхат донининг сифат кўрсаткичлари бўйича олинган маълумотлар шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиш жойи, тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот услублари”** деб номланган иккинчи бобида тажрибалар олиб борилган жой ва унинг шароитлари, тадқиқотларда фойдаланилган илмий материаллар, селекцион ва статистик усуллар тўғрисидаги маълумотлари баён этилган.

Диссертациянинг **“Нўхатнинг F_1 – F_2 ўсимлик дурагайларида қимматли-хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги”** деб номланган учинчи бобида тадқиқотдан олинган натижалар таҳлил қилинган. Ушбу бобда олиб борилган илмий изланишларга кўра лалмикор майдонлар учун маҳсулдор ва дон сифати кўрсаткичи юқори бўлган янги навлар яратиш мақсадида Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти дала майдонида 2020 йилда нўхатнинг (*Cicer arietinum*) 12 та комбинацияда тўлиқ оддий усулда дурагайланди ва олинган дурагайларнинг F_1 авлоди таҳлил қилинди.

Ота-оналарга нисбатан ижобий ва салбий гетерозислик хусусияти барча ўрганилган белгилар учун аниқланган, бунда ота-оналарнинг генетик жиҳатдан хилма-хил эканлигини кўрсатган.

Дурагайлаш ишларида ўзаро бириккан генларнинг таъсири муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг авлодларда юзага чиқиши учун умумий комбинацион қобилятининг мусбат чизиқларини танлаш лозим. Бунинг асосида, дурагай авлодларни белги-хусусиятларини олдиндан башорат қилиш мумкин бўлади.

Нўхат ўсимлигини кастрация қилиш жараёнидаги гулкоса барглари ва оталик ипларини олиш ҳамда ташқи муҳит омилларидан химоя вазифасида халтачалар қўйилади. Нўхат ўсимлигининг гули майда, якка-якка жойлашган бўлиб, ҳар хил рангли, кўпинча оқ бинафша ранг ёки пушти-бинфша ранг бўлади. Гули беш тишли косачадан, гултож, ўнта чангчидан иборат, тўққизта чангчи битта найча бўлиб бирлашган, битта чангчи эса алоҳида жойлашган бўлади.

Нўхат ўсимлигини дурагайлаш ишлари эрталаб соат 08:00 дан 10:00 гача ва кечкурун 17:00 дан 18:00 гача бўлган вақтларда олиб борилганда дурагайнинг ҳосил бўлишида 20-30 фоизга ижобий натижа кўрсатганлиги аниқланди. Ҳаво ҳарорати оптимал $+22+26^{\circ}\text{C}$ бўлиши дурагайларнинг ҳосил бўлишида юқори натижа кўрсатганлиги аниқланди. Ҳаво ҳарорати $+30^{\circ}\text{C}$ дан ошганда дурагайларнинг омон қолиши 40 фоизга қисқарганлиги кузатилди.

Ўсимликларда маҳсулдорлик кўрсаткичига таъсир этувчи белги хусусиятлар таҳлил қилинди ва олинган F_1 дурагай авлодларида доминантлик (h_p) кўрсаткичлари аниқланди. F_1 ўсимликларида 1000 дон дон вазини ўрганилганда, F_1 Обод х Лалмикор дурагай комбинацияда ўртача $315,3 \pm 0,34$ г бўлиб, $h_p=1,5$ га тенг бўлиб, кучли доминантлик устунлик қилганлиги кузатилди. F_1 Истиклол х KR-20-LCAYT-RF-11 дурагай комбинациясида ўртача $369,7 \pm 0,35$ г ташкил этганлиги аниқланди. Ота-она шаклларига нисбатан Истиклол навининг оналик шакли F_1 дурагайда ($h_p=8,9$) кўрсаткичи билан кучли доминантлик устунлик ҳолатида ирсийланди (1-жадвал).

1-жадвал

Нўхатнинг F_1 дурагай комбинацияларида 1000 дон дон вазини белгисининг ирсийланиши (Қамаши, 2021 й.)

Т/р	F_1 дурагай комбинациялар	Ўсимликлар сон, дон	1000 дон дон вази, г.				
			Ота-она шакллар		F_1	V %	h_p
			♀	♂			
1	♀Обод х ♂Лалмикор	100	309,7	287,3	$315,3 \pm 0,34$	5,4	1,5
2	♀Истиклол х ♂Жавлон	100	369,4	279,8	$351,7 \pm 0,50$	5,8	0,6
3	♀Полвон х ♂KR-20-LCAYT-RF-1	100	355,3	330,1	$329,6 \pm 0,15$	5,2	-1
4	♀Истиклол х ♂KR-20-LCAYT-RF-11	100	360,8	270,7	$369,7 \pm 0,35$	3,5	8,9
5	♀Обод х ♂Полвон	100	301,6	325,7	$354,8 \pm 0,55$	2,8	0,3
6	♀Лалмикор х ♂KR-20-LCAYT-RF-7	100	295,4	289,4	$300,7 \pm 0,25$	2,5	2,7
7	♀Обод х ♂Малхотра	100	305,2	325,7	$330,1 \pm 0,56$	4,6	1,4
8	♀Малхотра х ♂Обод	100	320,4	304,2	$301,6 \pm 0,33$	3,2	-1,3
9	♀Лалмикор х ♂Обод	100	295,7	310,2	$314,7 \pm 0,39$	4,4	1,6
10	♀Малхотра х ♂KR-20-LCAYT-RF-3	100	312,7	276,1	$307,8 \pm 0,18$	2,3	0,7
11	♀Жавлон х ♂KR-20-LCAYT-RF-14	100	370,8	296,5	$345,8 \pm 0,40$	1,6	0,3
12	♀KR-20-LCAYT-RF-14 х ♂Лалмикор	100	300,4	299,7	$301,9 \pm 0,45$	3,2	4,7

F₁Обод х Малхотра дурагай комбинациялардан олинган ўртача 1000 дона дон вазни 330,1±0,56 г бўлиб (hr=1,4), ҳамда Лалмикор х Обод комбинацияларни чатиштиришдан олинган F₁ дурагайда ўртача 1000 дона дон вазни 314,7±0,39 г ташкил этиб, (hr=1,6) тўлиқ доминантлик кузатилди.

F₁Обод х Полвон дурагай комбинацияда ўртача 354,8±0,55 г ташкил этиб (hr=0,3) белгининг оралик ҳолда ирсийланганлиги кузатилди. F₁Полвон х KR-20-LCAУТ-RF-1 дурагай комбинацияда (hr=-1) ва F₁Малхотра х Обод дурагай комбинацияда (hr=-1,3) салбий доминантлиги хусусиятларни мавжуд эканлиги аниқланди.

F₂ ўсимликларида 1000 дона дон вазни белгисининг ўзгарувчанлик кўлами ва наслдан-наслга берилиши кузатилганда навларда 10 дондан, дурагайларда 100 дондан ўсимлик ўрганилди. F₂ Обод навида 1000 дона дон вазни 278,0-303,9 г гача бўлган ораликда 28,8 фоизни ташкил этганлиги кузатилди. 304,0-329,0 г гача бўлган ораликда 39,5 фоиз бўлиб, юқори кўрсаткичига эга эканлиги изоҳланди. Ушбу нав бўйича олинган ўсимликлардаги ўртача қиймат кўрсаткичи 57,3±0,2 фоизни ташкил этиб вариация коэффиценти 2,6 фоизни ташкил этди.

F₂ Лалмикор нави 278,0-303,9 г гача бўлган ораликда 56,9 фоиз бўлганлиги кузатилиб, 304,0-329,9 г бўлганда 1000 дона дон вазни 43,4 фоизга кўтарилди. Лалмикор нави 1000 дона дон вазни ўртача қийматга эга эканлиги билан бир туп ўсимликдаги дуккаклар сони кўплиги, бошқа нав ва тизмалардан ажралиб туради.

F₂ Полвон навининг белги-хусусиятидан келиб чиққан ҳолда 304,0-329,9 г гача бўлган ораликдаги 1000 дона дон вазни 25,6 фоиз, 330,0-345,9 г гача бўлганлари 53,7 фоизни ташкил этиб ушбу навда ҳам дон хажми йирик бўлганлиги сабабли 346,0-371,9 г ораликда 20,7 фоиз бўлганлиги аниқланди (2- жадвал).

2-жадвал.

Нўхатнинг F₂ комбинацияларида 1000 дона дон вазни белгисининг ўзгарувчанлик кўлами ва наслдан-наслга берилиши (Қамаши, 2022 й.)

Навлар ва F ₂ комбинациялари	Ўсимлик сони, дона	1000 дона дон вазни, г/%									V%	h ²
		200,0-225,9	226,0-251,9	252,0-277,9	278,0-303,9	304,0-329,9	330,0-345,9	346,0-371,9	372,0-397,9	x±Sx		
Обод	10				28,8	39,5	31,7			57,3±0,2	2,6	
Лалмикор	10				56,9	43,4				48,3±0,4	4,2	
Истиклол	10					36,7	45,1	18,2		58,7±0,2	3,1	
Полвон	10					25,6	53,7	20,7		57,2±0,8	2,9	
Малхотра	10				40,1	39,6	20,3			56,8±0,3	3,7	
Жавлон	10					22,6	40,9	36,5		51,7±0,8	2,9	
♀Обод х ♂Лалмикор	100	1,2	7,5	9,3	16,5	14,3	13,4	34,6	3,2	62,7±0,1	8,9	0,53
♀Истиклол х ♂Жавлон	100		5,5	9,6	10,3	17,8	10,5	30,5	15,8	64,8±0,5	8,5	0,46
♀Полвон х ♂KR-20-LCAУТ-RF-1	100	0,5	2,2	5,5	8,7	10,8	22,8	40,2	3,3	66,5±0,2	8,7	0,43
♀Истиклол х ♂KR-20-LCAУТ-RF-11	100		3,1	8,9	10,3	11,9	15,8	19,5	30,5	61,9±0,5	8,6	0,48
♀Обод х ♂Полвон	100	1,1	2,8	6,9	5,5	15,5	18,7	33,8	15,7	63,9±0,1	8,8	0,51
♀Лалмикор х ♂KR-20-LCAУТ-RF-7	100	2,2	8,1	5,3	14,4	27,4	41,3	1,3		64,7±0,8	9,1	0,52
♀Обод х ♂Малхотра	100		0,2	6,6	8,7	15,7	22,3	44,4	2,1	62,2±0,5	8,5	0,48
♀Малхотра х ♂Обод	100	3,6	5,5	12,3	15,2	35,7	25,5	2,2		63,4±0,9	8,8	0,46
♀Лалмикор х ♂Обод	100	2,7	4,6	5,8	7,3	10,4	18,2	36,7	14,3	61,6±0,6	9,1	0,53
♀Малхотра х ♂KR-20-LCAУТ-RF-3	100		5,4	11,8	15,7	33,4	29,5	3,1	1,1	59,9±0,1	8,5	0,47
♀Жавлон х ♂KR-20-LCAУТ-RF-14	100	4,4	8,7	13,4	10,8	24,6	32,8	5,3		61,3±0,5	8,7	0,42
♀KR-20-LCAУТ-RF-14 х ♂Лалмикор	100	2,8	3,8	10,9	12,3	29,6	39,4	1,2		61,9±0,4	8,6	0,49

F₂ Малхотра навида 278,0-303,0 г гача бўлган ораликда 40,1 фоиз бўлиб, дон хажми кичик бўлганлиги сабабли 304,0-329,9 г гача бўлган ораликда 39,6 фоиз, 330,0-345,9 г гача бўлган ораликда 20,3 фоизга тушганлиги кузатилиб, белгиларнинг ўртача кўрсаткичи $56,8 \pm 0,3$ фоизни ташкил этди. Вариация коэффиценти 3,7 фоизни кўрсатганлиги билан изоҳланди. F₂ Жавлон навида 304,0-329,9 г гача бўлган ораликда 22,6 фоиз, 330,0-345,9 г гача бўлган ораликда 40,9 фоиз кўтарилиб, 346,0-397,9 г бўлганда 36,5 фоиз кўрсаткичига тушганлиги кузатилиб, белгиларнинг ўртача кўрсаткичи $51,7 \pm 0,8$ фоиз, вариация коэффицент 2,9 фоизни ташкил этди.

F₂ Обод х Лалмикор комбинацияда 1000 дона дон вазни 200,0-225,9 г гача бўлган ораликда 1,2 фоиз, ушбу дурагайда дон хажми йирик бўлиши натижасида дон оғирлиги ҳам юқори бўлганлиги кузатилди. 304,0-329,9 г гача бўлганлари 14,3 фоиз, 330,0-345,9 г ораликда 13,4 фоизга тушганлиги кузатилиб, 346,0-371,9 г гача бўлган ораликда 34,6 фоизга кўтарилди. Белгиларнинг ўртача кўрсаткичи $62,7 \pm 0,1$ фоизни ташкил этиб вариация коэффицент 8,9 фоизни ташкил этди. Белгиларнинг ирсийланиши (h^2) 0,53 юқори генотипик қиймат таъсири, ташқи муҳит таъсирига нисбатан юқорироқ бўлганлиги аниқланган. F₂ Полвон х KR-20-LCAYT-RF-1 дурагай комбинацияда доннинг йириклиги ота ёки онанинг ташқи муҳит билан ўсимлик генетик хусусияти ўртасида боғлиқлиги кузатилиб бунда: 200,0-225,9 г гача бўлган ораликда 0,5 фоиз, 330,0-345,9 г гача бўлган ораликда 22,8 фоизга кўтарилди 346,0-371,9 г ораликда 40,2 фоиз бўлганлиги кузатилиб белгиларнинг ўртача кўрсаткичи $66,5 \pm 0,2$ фоизни ташкил этди, вариация коэффицент 8,7 фоизни бўлганлиги кузатилиб белгиларнинг ирсийланиши (h^2) 0,43 ўртача қийматга тенг эканлиги изоҳланди.

F₂ Лалмикор х KR-20-LCAYT-RF-7 комбинациясида 1000 дона доннинг вазни қиймати 200,0-225,9 г гача бўлган ораликда 2,2 фоиз, 304,0-329,9 г гача бўлган ораликда 27,4 фоиз, 330,0-345,9 г гача бўлган ораликда эса 41,3 фоизга кўтарилиб, 346,0-371,9 г ораликда 1,3 фоизга тушганлиги кузатилди. Белгиларнинг ўртача қиймат кўрсаткичи $64,7 \pm 0,8$ фоиз, вариация коэффицент 9,1 фоиз, белгиларнинг ирсийланиши (h^2) 0,52 қийматда юқори генотипик ўзгарувчанлик устунлиги ирсийланди.

F₂ Лалмикор х Обод комбинацияда 1000 дона дон вазни ота ёки она ўсимлигида белгиларнинг ирсийланиш кўлами ижобий томонга оғиши кучли юқори авлод нав олишда имкон яратади. 200,0-225,9 г гача бўлган ораликда белгининг ирсийланиши 2,7 фоиз, 330,0-345,9 г гача бўлган ораликда 18,2 фоизга, 346,0-371,9 г гача бўлган ораликда 36,7 фоизга ошганлиги кузатилиб, белгиларнинг ўртача қиймат кўрсаткичи $61,6 \pm 0,6$ фоиз ташкил этиб, вариация коэффиценти 9,1 фоиз, белгиларнинг ирсийланиши (h^2) 0,53 юқори генотипик қиймат кўрсаткичга эга эканлиги билан изоҳланди. F₂ KR-20-LCAYT-RF-14 х Лалмикор комбинацияда 200,0-225,9 г гача бўлган ораликда 2,8 фоизни ташкил этган бўлса, 304,0-329,9 г гача бўлган ораликда 29,6 фоиз, 330,0-345,9 г гача бўлган ораликда 39,4 фоиз бўлганлиги кузатилди. 346,0-371,9 г бўлган ораликда 1,2 фоизга тушганлиги изоҳланди.

Белгилар ўртасидаги ўртача кўрсаткич $61,9 \pm 0,4$ фоиз, вариация коэффицент 8,6 фоиз, белгиларнинг ирсийланиши (h^2) 0,49 ўртача қийматга эга бўлиб, ташқи муҳит таъсири натижасида ирсийланганлиги юқори даражада эканлиги кузатилди.

Диссертациянинг “Иқлим шароитига мослашувчан, нўхат тизмаларининг селекция босқичлари” деб номланган тўртинчи бобида ҳосилдорлик кўрсаткичи юқори бўлган, иссиқлик ва қурғоқчиликка бардошли, оқсил миқдори юқори нўхат селекция кўчатзорида 36 та нав ва тизмалар экиб ўрганилди, шундан ижобий натижа кўрсатганлари танлаб олиниб селекция кўчатзорининг кейинги босқичига ўтказилди. Нўхатнинг ҳосилдор ва оқсил миқдори юқори бўлган назорат нав синаш кўчатзорида нав ва тизмаларнинг ўсув даври давомийлиги ўртача 84-90 кунни ташкил этди.

Андоза Обод навга нисбатан 5 та тизма 1-5 кун эрта пишганлиги кузатилди. Бир туп ўсимликдаги донлар сони кўрсаткичи бўйича 2020-2021 йиллар давомида бир биридан кескин фарқ қилди, чунки 2020 йилда 2021 йилга нисбатан ҳаво ҳарорати $+74^{\circ}\text{C}$ гача тушиши ҳамда ёғин миқдори 143,1 мм юқори бўлиши, ҳавонинг нисбий намлиги ўсимликнинг шохлаш ва дуккак ҳосил қилиш даврида ўртача 14,7-16,4% юқори бўлиши дуккаклар сони ва дуккак ичидаги донлар сонининг ортишига олиб келди.

Бир туп ўсимликдаги дуккаклар сони ўртача 82-105 донагача бўлиб, андоза Обод навга нисбатан KR-20-LCPYT-RF-15 тизмаси 16 дона, KR-20-LCPYT-RF-16, KR-20-LCPYT-RF-23 тизмалари 7 дона ва KR-20-LCPYT-RF-6 тизмаси 9 дона юқори дон берганлиги кузатилди. Бир тупдан олинган ҳосил кўрсаткичи 26,9-35,6 г гача бўлиб, андоза навга нисбатан 7 та тизмалар танлаб олинди. 1000 дона дон вазни бўйича 2020-2021 йилларда нав ва тизмаларда ўртача кўрсаткич 300,3-363,1 г гача бўлганлиги изоҳланди.

Ташқи муҳитнинг абиотик омилларидан (қурғоқчилик) ўсимликлар учун энг катта йўқотиш ҳисобланади. Жумладан, нўхат экини қурғоқчилик туфайли ҳосилни йўқотилиши географик минтақаларга қараб 15-60% гача нобуд бўлганлиги кузатилди.

Лаборатория шароитида сахарозанинг 15 фоизли эритмасида юқори осмотик босим остида нав ва тизмалар уруғларини унувчанлиги орқали қурғоқчиликка бардошлилиги баҳоланди.

Нав ва тизмаларнинг қурғоқчиликка бардошлилиги лаборатория шароитида ўрганилганда андоза “Обод” нав назорат вариантда унган уруғлар 96 фоизни ташкил этди, сахароза эритмасида ўстирилганда 70 фоизгача унганлиги кузатилиб ўртача қурғоқчиликка бардошли эканлиги аниқланди. Андоза навга нисбатан KR-20-LCAYT-RF-1 тизмаси назорат вариантда 98 фоиз, сахароза эритмасида 84 фоиз, KR-20-LCAYT-RF-11 тизмаси эса назорат вариантда 96 фоиз, сахароза эритмасида 82 фоиз, KR-20-LCAYT-RF-7 тизмаси назорат вариантда 98 фоиз, сахароза эритмасида 93 фоиз, KR-20-LCAYT-RF-3 тизмаси назорат вариантда 96 фоиз, сахароза эритмасида 86 фоиз, KR-20-LCAYT-RF-14 тизмасида назорат вариантда 98 фоиз, сахароза эритмасида 92 фоиз, **KR-20-LCAYT-RF-15 (Лалмикор)** нави назорат вариантда 100 фоиз, сахароза эритмасида 96 фоизда унганлиги кузатилиб

қурғоқчиликка бардошлилиги юқори натижа кўрсатганлиги аниқланди. Илдизлар сони нав ва тизмаларда 1 донани ташкил этганлиги изоҳланди (3-жадвал).

3-жадвал

Нўхат нав ва тизмаларнинг лаборатория шароитида қурғоқчиликка бардошлилиги (Қамаши тажриба майдони, 2020-2022 йй.)

Т/р	Нав ва тизмалар номи	Ўсимлик сони, дона	Унувчанлик, %	Илдиз сони, дона	Илдиз узунлиги, см	Муртақ узунлиги, см
			х	х	х	х
1н	Обод (андоза)	100	96	1	12,4	3,2
сах		100	70	1	1,8	0,3
2н	Полвон	100	96	1	11,5	3,05
сах		100	66	1	1,4	0,3
3н	KR-20-LCAYT-RF-1	100	98	1	12,9	3,5
сах		100	84	1	1,9	1,05
4н	KR-20-LCAYT-RF-6	100	94	1	8,4	2,2
сах		100	72	1	1,1	0,5
5н	KR-20-LCAYT-RF-11	100	96	1	12,5	3,3
сах		100	82	1	2	1,1
6н	Истиқлол	100	94	1	10,5	1,7
сах		100	66	1	1	0,6
7н	KR-20-LCAYT-RF-2	100	94	1	10,1	1,7
сах		100	66	1	1,1	0,8
8н	KR-20-LCAYT-RF-7	100	98	1	12,6	3,5
сах		100	93	1	2,1	1,2
9н	KR-20-LCAYT-RF-12	100	92	1	9,1	1,5
сах		100	70	1	1,1	0,4
10н	Жавлон	100	96	1	9,2	1,6
сах		100	74	1	1,3	0,7
11н	KR-20-LCAYT-RF-3	100	96	1	12,6	3,6
сах		100	86	1	2	1,6
12н	KR-20-LCAYT-RF-8	100	90	1	8,1	1,6
сах		100	72	1	1	0,5
13н	KR-20-LCAYT-RF-13	100	90	1	9,1	1,5
сах		100	74	1	1,1	0,6
14н	KR-20-LCAYT-RF-4	100	96	1	8,2	1,7
сах		100	68	1	1,1	0,5
15н	KR-20-LCAYT-RF-9	100	86	1	8,05	1,5
сах		100	66	1	1,1	0,5
16н	KR-20-LCAYT-RF-14	100	98	1	12,8	3,2
сах		100	92	1	2,4	1,3
17н	Малхотра	100	85	1	7,3	1,8
сах		100	76	1	1,3	0,6
18н	KR-20-LCAYT-RF-5	100	92	1	9,2	1,9
сах		100	78	1	1,5	0,6
19н	KR-20-LCAYT-RF-10	100	90	1	8,4	1,9
сах		100	76	1	1,4	0,8
20н	KR-20-LCAYT-RF-15 (Ўлмикор)	100	100	1	13,2	3,8
сах		100	96	1	2,7	1,9

Изох: 0-25% гача қурғоқчиликка бардошсиз, 26-50% гача кучсиз бардоши, 51-75% гача ўртача бардошли ва 76% дан юқори бардоши бўлади

Илдиз узунлиги андоза “Обод” навда ўртача назорат вариантда 12,4 см, сахароза эритмасида эса 1,8 см ташкил этди. Андоза навга нисбатан KR-20-LCAYT-RF-1 тизмасида назорат вариантда илдиз узунлиги 12,9 см, сахароза эритмасида 1,9 см. KR-20-LCAYT-RF-11 тизмасида назорат вариантда илдиз узунлиги 12,5 см, сахароза эритмасида 2 см, KR-20-LCAYT-RF-7 тизмасида назорат вариантда илдиз узунлиги 12,6 см, сахароза эритмасида 2,1 см, KR-20-LCAYT-RF-3 тизмасида назорат вариантда илдиз узунлиги 12,6 см, сахароза эритмасида 2 см, KR-20-LCAYT-RF-14 тизмасида илдиз узунлиги 12,8 см, сахароза эритмасида 2,4 см, **KR-20-LCAYT-RF-15 (Ўлмикор)** нави

назорат вариантда 13,2 см, сахароза эритмасида 2,7 см бўлиб, юқори натижа кўрсатганлиги кузатилди.

